

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## **668** «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2369-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 21 апрелдаги 12/2-сон қарори (рўйхат рақами 2369, 2012 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 22-сон, 255-модда) билан тасдиқланган «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 24 июнь,  
14/8-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил  
14 июндаги 14/8-сонли қарорига  
ИЛОВА

**«Ўзқарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

а) қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«**эмиссия** — БПКни чиқариш ва фойдаланишга тақдим этиш бўйича фаолият;»;

б) еттинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«5<sup>1</sup>.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банклараро чакана тўлов тизими инфратузилмасида «Ўзқарт» ва бошқа чакана тўлов тизимлари БПКларининг ўзаро хизмат кўрсатишини таъминлайди.

«Ўзқарт» тўлов тизими инфратузилмасида (терминалларда, банкоматларда, инфокиоскаларда ва бошқа махсус ускуналарда) бошқа тўлов тизимларининг БПКларига хизмат кўрсатилишининг рад этилиши тақиқланади.».

3. 29-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. 58-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзқарт» тўлов тизимида қайта ишланадиган конфиденциал турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 октябрдаги 295-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш объектларида конфиденциал маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш ва ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.».

5. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.

*Банклар ассоциацияси  
Бош директори*

*С. АБДУЛЛАЕВ*

*2017 йил 23 июнь*